2024-yil 26-oktabr, shanba

№129 (5037)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Куннинг муҳим воқеалари

Президент фармони билан жамоат хавфсизлиги, халқ осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги алоҳида хизматлари учун **ички ишлар органлари ходимларининг бир гуруҳи тақдирланди.**

* * *

Давлатимиз раҳбари **ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига** табрик йўллади.

* * *

«Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

* * *

Президент томонидан имзоланган қонун билан **айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Бир қатор қонунларга Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлар негизида ташкил этилган «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг вазифалари ва ваколатларини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув олиш лимитлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгиланмоқда.

Тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берилишини таъминлаш бўйича фермер хўжаликларининг мажбурияти ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинмоқда.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 25 октябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) парламент сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари **Дуглас Уэйкни қабул қилди**

* * *

Инвестициялар, саноат ва савдо вазири **Лазиз Кудратов** Теҳрон шаҳрида Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти **Муҳаммад Ризо Ориф** ва саноат, кон ва савдо вазири **Сайид Муҳаммад Отабак билан учрашди.**

* * *

«Евразия-кинофест» халқаро кинофестивалида ўзбекистонлик кино усталари томонидан суратга олинган **«Шамол одамлари»** ҳужжатли фильми **бош совринга сазовор бўлди.**

* * *

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида **«Буюк алломалар сиймосини яратиш лойиҳалари ва уларни халқаро даражада оммалаштиришнинг долзарб масалалари»** мавзуида лойиҳалар тақдимоти ҳамда ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон элчихонаси (қароргоҳи Швеция пойтахтида) ходимлари томонидан **Данияниинг Орхус ва Норвегиянинг Осло шаҳарларида ватандошларимиз иштирокида давра суҳбатлари ва сайёр консуллик қабуллари** бўлиб ўтди.



Президент Шавкат Мирзиёев Қўнғирот – Бейнеу автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километр қисмини ҳамда Бобур кўчасидаги Тошкент халқаро аэропортига элтувчи йўл ўтказгични фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНШООТЛАРИ

25 октябрь куни Тошкент халқаро аэропортига элтувчи, Бобур кўчасидаги янги йўл ўтказгич тўлиқ очилди. Унинг умумий узунлиги 702 метр, эни 46 метр. Шунингдек, 2 та айлана ва 4 та ёйсимон «қанот»лар барпо этилиб, Кичик ҳалқа йўли ҳамда Содиқ Толипов кўчалари билан самарали боғланган. Бу қайрилиб олишга ҳожат қолдирмай, автомобиллар ҳаракатини осонлаштирди. Умуман, ушбу транспорт боғламаси 1 соат ичида 5 мингта, бир кеча-кундузда 132 мингта автомобилни ўтказиш қувватига эга бўлди.

Манба: president.uz

Долзарб мавзу

НАФАҚА «ЖИЛОВИ» КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Каттақўрғон туманида бу аёлга йўл-йўриқ кўрсатилмади. Муаммосини уйда ўтириб ҳал қилиш имконияти яратилган бир шароитда у кўп овора бўлди. Лекин шундоқ ҳам камхаржликдан азият чекаётган оила аъзоларининг дарди ҳеч кимни қизиқтирмади.

Камола Эшматова беш нафар фарзандига болалар нафақасини расмийлаштиришда қийналди. Маҳаллага қилган мурожаатлари натижасиз қолаверди.

Балки у болаларга тайинланадиган нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлашнинг автоматлаштирилган механизми аллақачон жорий этилганидан бехабар қолгандир? Шу боис у маҳалладан нажот излаган, ўпка-гина қилган бўлиши мумкин. Аммо ҳаётимизга «Ижтимоий ҳимоя реестри» ахборот тизими деган тушунчанинг кириб келганига уч йилдан ошаётганини Каттақўрғондаги мутасаддилар, «Баландчордара» МФЙ масъуллари билмасмиди? Аёлнинг болалар нафақаси бўйича мурожаати нега эътиборсиз қолдирилди? Биргина ана шу мурожаат ортидаги масъулиятсизлик мамлакатимиздаги ижтимоий нафақалар тайинлашни инсон омилисиз оила ва фуқаронинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган, назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини автоматлаштирадиган ахборот тизими шаффофлигига соя солмайдими?!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га келиб тушган Камола Эшматованинг мурожаати ҳал этиш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига йўлланди. Аммо агентликнинг Самарқанд вилояти бошқармасидан олинган ғалати жавоб одамни бу масала жойида ижобий ечим топганмикан, деган шубҳа-гумонларга ундайди. Чунки агентликнинг вилоят бошқармаси бошлиғи (Х.Назаров) имзолаган 09/01-04/ 1721-сонли жавоб хатида (имло хатоларига кўз юмган ҳолда) Каттақўрғон тумани «Баланд Чорвадор» маҳалласида яшовчи Камола Эшматовага «Ягона реестр» асосида болалар нафақа пули тўланаётгани баён этилганди. Касаба уюшмаларига сим қоққан Камоланинг маҳалласи «Баландчордара» эди. Бу борада англашмовчилик бўлмадимикан, дея мурожаатчи билан боғландик.

– Ҳа, мен ўшаман. Касаба уюшмалари кўмагида фарзандларимга нафақа тайинланди, – дейди Камола Эшматова. – Кам таъминланган оилалар сирасига кирамиз. Турмуш ўртоғим ишсиз. Тўғри келган юмушларни бажариб, уч-тўрт сўм топади. Баъзида шу иш деган қурғур ҳам топилмасдан қоляпти. Болалар нафақаси тўловидаги ўзгаришлардан бехабар эдик.

Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ҳам мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг бир қисмидир. Аммо ҳали-ҳануз олис, чекка қишлоқларда бу масаланинг «жилови» маҳалла қўлида дея ўйловчилар оз эмас. Соҳа мутасаддилари бу жараённи аҳоли онгига сингдиришнинг эвини қилолмаётгани эса янада ачинарли.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Шу кунларда Миллий мониторинг гуруҳи аъзолари жойларда бўлиб, йиғим-терим мавсуми доирасидаги ишларни ўрганмоқда. Масъуллар Наманган вилояти, Норин туманидаги фермер хўжаликларида ҳам бўлиб, теримчилар учун яратилган шарт-шароитни кўздан кечирдилар.

КЛАСТЕР ИШ ҲАҚИНИ КЕЧИКТИРГАН ЭДИ

Хусусан, «Қўрғонча» МФЙ ҳудудидаги «Аҳмаджон ўғли Ёқубжон», «Ҳажинтол» МФЙдаги «Қумли дала» фермер хўжаликлари ҳамда «Ифтихор кийим саноати» кластерига қарашли 2-пахта қабул қилиш пунктининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ишчи-ходимлар билан суҳбат чоғида «Ифтихор кийим саноати» кластерининг терим пулларидан қарздорлиги маълум бўлди. Тўланмаган (13-25 сентябрь кунлари учун) маблағ ҳам озгина эмас – нақ 4 миллиард 172 миллион 660 минг сўм. Шундан 3 миллиард 736 миллион 779 минг сўми қўл терими учун, қолгани машина терими маблағини ташкил этган.

– Қарздорлик юзасидан шу куннинг ўзида кластер раҳбари билан боғландик, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Мирзанозир Қорабоев. – Тегишли тартибда музокара олиб бордик. Натижада кластер қарздорликни тўлиқ сўндирди. Шу ўринда йиғим-терим мавсумида қайсидир фуқаро билан худди шундай ҳолат кузатилса, касаба уюшмаларининг 1092 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилишини сўраб қолган бўлардим.

Амир АҲМЕДОВ

Ички туризм

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон бирлашган қўмитаси томонидан соҳада фаолият юритаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Жиззах, Хоразм ҳамда Самарқанд вилоятларига саёҳатлар ташкил этилди.

– Юртимизнинг бетакрор манзараларидан ўзига хос таассуротлар олган, муқаддас қадамжолар зиёратидан қалблари янада ёришган саёҳатчиларни кўриб, биз – ташкилотчилар ҳам хурсанд бўлдик, – дейди масъул ташкилотчи Женгисбой Аяпов.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Статистика



Статистика агентлиги маълумотларига кўра, ҳудудлар орасида энг кўп аҳоли ***САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА,*** энг кам ***СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА*** яшайди.

Республикада энг зич яшайдиган аҳоли ҳудуди Тошкент шаҳри, вилоятлар орасида эса Андижон вилояти ҳисобланади.

Энг сийрак аҳоли ***НАВОИЙ ВИЛОЯТИ*** ва ***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА*** тўғри келади.

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Фаолият

ТЕРИМЧИЛАРГА 27 000 000 сўмдан ОРТИҚ МЕҲНАТ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Бугун далаларда пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай териб олиш ишлари авжида. Бу жараёнда терим пулларини ўз вақтида бериб бориш эса жуда муҳим.

Навоий вилоятининг Конимех туманидаги «Наврўз» маҳалласидан Ойгул Шоназарова ўзи ва 43 нафар аёл терган пахталари учун тўланадиган пуллар ўз вақтида берилмаётгани ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

– «Гауҳарбек ули Жандос» фермер хўжалигида 21 сентябрдан буён теримда қатнашмоқдамиз, – дейди Ойгул Шоназарова. – Даставвал икки кун пулимизни ўз вақтида беришди. Лекин кейинги кунлардан бошлаб, меҳнатимизга ҳақ тўланмади. Фермерга мурожаат қилдик. Уйига бордик ҳам. У банкдан пул олмаганини айтди.

Ушбу мурожаат Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши Меҳнат инспекцияси ходимлари ҳамда Миллий мониторинг ишчи гуруҳи томонидан тегишли тартибда ўрганилди. Натижада масала ижобий ҳал этилиб, фермер хўжалигидан теримчилар фойдасига 27 405 360 сўмлик меҳнат ҳақи ундириб берилди.

Тоштемир ТАЙЛОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши бош мутахассиси





Семинар

МАҚСАД – МУНОСИБ МЕҲНАТНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан «Ижтимоий шериклик муносиб меҳнат гаровидир!» мавзусида семинар ташкил қилинди. Унда вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси масъул ходимлари, касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Семинарни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева олиб борди.

Таъкидланганидек, муносиб меҳнат концепцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Кофи Аннан томонидан 1999 йил 31 январда илгари сурилган Глобал компакт ғоясига таянади. Бу компакт ихтиёрий ташаббус бўлиб, корпорациялар фаолиятининг ривожланиш стратегиясига ва амалий фаолиятига Глобал компакт ва унинг тамойилларини киритиш, БМТ мақсадларига эришиш учун манфаатдор томонлар ўртасида шериклик муносабатларини шакллантириш орқали ҳамкорликка шароит яратиш мақсадларига таянади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 1999 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан Муносиб меҳнат концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳукуматлар, халқаро касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланган.

Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойиллари, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Бутунжаҳон касаба уюшмалари ҳаракати барча меҳнаткашларга, улар қаерда яшашидан, расмий ва норасмий ишлашидан ва қандай иш билан шуғулланишидан қатъи назар, иш ҳақи адолатли тўланиши тарафдори.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фаол иштирокида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури» қабул қилинган бўлиб, мазкур дастур доирасида аллақачон амалий ишлар бошлаб юборилган.

Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси томонидан бу йилги Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунида «Иш ҳақини ошириш фурсати келди» шиори эълон қилинди ва ўз аъзо ташкилотларини ушбу шиор остида тадбирлар ўтказишга чақирди.

Конфедерация таҳлилларига кўра, сўнгги 40 йил ичида жаҳон иқтисодининг ҳажми тўрт бараварга кўпайган бир пайтда глобал бойликнинг иш ҳақига сарфланадиган улуши 13 фоизга камайган.

– Таҳлилларга қараганда, дунёдаги бойликнинг ярмидан кўпи 81 та миллиардерга тегишли бўлиб, бу жуда катта ижтимоий нотенглик ҳисобланади. Биз касаба уюшмалари сифатида глобал бойликнинг иш ҳақига сарфланадиган улушини ошириш тарафдоримиз ва бунинг учун биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур, – дея таъкидлади Г. Қурбонбоева.

Ўзбекистонда иш ҳақини ошириб бориш динамикасини қисқача айтиб ўтадиган бўлсак, 2015 йилда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 130 минг 240 сўм эди, бу миқдор 2024 йил 1 октябрдан 1 млн. 155 минг сўм қилиб белгиланди.

Меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, унинг адолатли бўлишини таъминлаш масаласи ҳар доим касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ҳам тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга муносиб иш ҳақи тўланишини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бормоқда. Жумладан, 2023-2025 йиллар учун ҳудудий жамоа келишувида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш масаласи киритилган.

– Шу билан бирга, олдимизда турган айрим муаммоли масалалар ҳам мавжуд. Уларни ечишда олдимизга қўйилган мақсадларимиздан бири норасмий ишчилар, меҳнат мигрантлари, кунлик ишчилар, уй ишчилари, фрилансерлар, касаначилар, масофадан туриб ишловчи ходимлар ва тоифаларга кирувчи бошқа ишчиларни меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурта тизими билан қамраб олиш, уларга муносиб меҳнат ҳақи тўланишига, муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилишига, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларига эга бўлишларига эришишдир, – деди кенгаш раиси.

Тадбирда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Ҳамид Саиджонов «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари», Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси масъул ходими Ҳамид Нурметов «Муносиб меҳнат концепциясини татбиқ этиш борасида Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар», Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳуқуқ инспектори Музаффар Атабаев «Одам савдосига қарши кураш ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш» мавзусида маъруза қилдилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Миннатдорлик

БИР ЙИЛЛИК САРГАРДОНЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Қизим Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-мактабда ўқитувчилик қиларди. Зиёда Жўраева деса, ҳамма танирди, ишини, касбини яхши кўрарди. 2022 йил 27 апрель куни Гулистон шаҳрига малака оширишга борганда автофалокатга учраб, вафот этди. Оқибатда биз кўзимизнинг қорасидан, боз устига, боқувчимиздан айрилдик.

Вақт ўтиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ота-онасига бир йўла бериладиган нафақа ва зарар пулларини олиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Бир йилдан ортиқ сарсон бўлдик. Фақат касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгашига мурожаатимиздан кейингина муаммомиз ҳал бўлди.

Кенгашнинг бизнинг манфаатимиз учун елиб-югурган меҳнат техник инспектори Абдукамол Ҳакимов, меҳнат ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиевадан беҳад миннатдорман. Улар такрор-такрор суд ишида қатнашиб, бир йиллик сарсонгарчиликка чек қўйишди. Яъни суғурта компаниясидан 277 624 000 сўм бир йўла тақдим этиладиган нафақа ва зарар пулларини ундириб беришди.

Малика РАҲИМОВА

Сайхунобод тумани

Жараён

«Ўзметкомбинат»да ИНСОН ОМИЛИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида айни пайтда 9 минг 300 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 7 минг 376 нафари эркаклар, 1 минг 958 нафари аёллар. Ўттиз ёшгача бўлган ёшлар сони 1 минг 128 нафар. Меҳнаткашлар орасида 60 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахс ҳамда 300 нафарга яқин бола парвариши таътилидаги аёллар ҳам бор. Корхонада асосан ўта юқори ҳароратда пўлат эритиш ишлари олиб борилади. Хўш, катта салоҳиятга эга ушбу ташкилотда меҳнат муҳофазаси қандай ташкил этилган? Бу борада касаба уюшма қўмитасининг ўрни қандай?



ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ЭНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТ

– Корхонамизда 43 та цех бор, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Элзара Велиуллаева. – Меҳнат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилади. Комбинат хавфли ишлаб чиқариш объекти бўлгани боис ходимлар малакаси узлуксиз ошириб борилади. Улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш масаласи эса касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида. Корхона ҳудудида 14 та ошхона, ювиниш хоналари мавжуд. Узоқдан қатнайдиганлар учун махсус транспорт қатнови йўлга қўйилган.

Суҳбатдошимизнинг қўшимча қилишича, 2023-2025 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасига корхона имкониятларидан келиб чиқиб, ишчилар манфаатини кўзлайдиган бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Аёлларга ҳар йили ҳақ тўланадиган ва давомийлиги уч кундан иборат қўшимча таътил берилиши, биринчи марта турмуш қураётганларга ёки фарзанд туғилиши муносабати билан 30 ёшгача бўлганларга энг кам иш ҳақининг 1,8 баробари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши, Янги йил байрамида 13 ёшга тўлмаган фарзандлар учун совғалар ажратилиши, 12 соатлик иш режимида ишлаётганларга иккинчи тушлик берилиши, ишга кирганига 20, 30, 40 йил тўлган ходим 2, 3 ва 4 ойлик иш ҳақи миқдорида мукофотланиши, шулар жумласидан.

Бундан ташқари, нафақадаги фахрий хизматчиларга комбинат тасарруфидаги сиҳатгоҳларда дам олиши учун бериладиган йўлланмалар нархининг 70 фоизи, болалар оромгоҳларига ажратиладиган йўлланмаларнинг 80 фоизи корхона ҳисобидан қопланади. Ҳар йили 10 нафарга яқин ишчи Россиядаги «Ўзбекистон» санаторийсига юборилади.

МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ЖАРОҲАТЛАНИШ ТОБОРА КАМАЙМОҚДА

– Бизда саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси маълум тартиб-тамойиллар асосида йўлга қўйилган, – дейди Меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи Гулмира Тошматова. – Аввало, ходим ишхонага кириб келиши биланоқ унинг қон босими ўлчанади, руҳий ҳолати бўйича қисқа савол-жавоб ўтказилади. Шунингдек, барчаси махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан мунтазам таъминланади. Масалан, бу йил шу мақсадда 23 миллиард сўм, тиббий кўрик учун эса 6 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Таҳлилларга қараганда, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар йилдан йилга камайган. Масалан, 2021 йилда 18 та, 2022 йилда 12 та, 2023 йилда 13 та, 2024 йилда 5 та жароҳатланиш кузатилган. Албатта, бу даражага эришишда Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси департаментининг катта ҳиссаси бор.

Шунингдек, ишчи-ходимлар малакасини баҳоловчи edu.uzbeksteel.uz платформаси амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бунда соҳага оид тестлар ҳавола қилиниб, хизматчиларнинг билимлари синовдан ўтказилади. Ҳар бир меҳнаткаш ўз йўналиши бўйича ўқитиб борилади ва имтиҳон олиниб, махсус гувоҳнома берилади.

«ЎЗБЕКИСТОН» САНАТОРИЙСИДА 14 КУН

– Турмуш ўртоғим комбинатда оддий ишчи эди, – дейди Гулбаҳор Расулова. – Афсус, 2017 йилда йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этди. Тўрт нафар қизим билан қолиб кетдим. Шундан сўнг мени корхонанинг базальт цехига фаррош лавозимига ишга олишди. Икки йилда бир санаторийга юбориб туришибди. Хусусан, 2020-2023 йилларда Россиянинг Кисловодск шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон» санаторийсида соғлиғимни тиклаб келдим. Ҳар гал у ердан катта таассурот ва завқ-шавқ билан қайтаман.

«КАСАБА МАРКЕТ» ДЎКОНЛАРИ

2023 йилда комбинатнинг шундоққина ташқарисида иккита «Касаба маркет» дўкони очилди. Қайд этиш жоиз, бу савдо шохобчалари касаба уюшма фаоллари ва аъзолари хоҳиш-истаги билан ташкил қилинди. Улар «минг хил майда моллар» йўналишида тўлдирилган. Муҳими, ходимлар бу ердан истаганча харидни амалга оширишади. Пулини эса маошлари ҳисобидан ойма-ой бўлиб-бўлиб тўлашади.

МУЗЕЙ, «МЕТАЛЛУРГ МИНБАРИ», «ЗА МЕТАЛЛ» НАШРЛАРИ

Комбинат музейи 1979 йили ташкил этилган. Бу ерда ташкилотнинг илк фаолиятидан ҳозирги кунгача бўлган ўтмиши мужассам. Айниқса, корхонанинг ички ишлаб чиқариш қуввати акс этган катта макет ва турли-туман маҳсулотлар кўргазмаси ҳар қандай кишида катта қизиқиш уйғотади.

Шунингдек, ойда бир марта «Металлург минбари» ҳамда «За металл» газеталари чоп этилади. Уларда цехлар фаолияти, ишчи-ходимлар эришган ютуқлар кенг ёртиб борилади. Айни пайтда газеталарнинг умумий адади 2 минг нусхага яқин. Бундан ташқари, китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида 40 мингдан ортиқ фондга эга кутубхона (электрон кутубхона ҳам бор) фаолияти йўлга қўйилган.

Ишчиларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида «Энг яхши ошпаз», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи», «Касаба кубоги», «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви, «Заковат» интеллектуал ўйини, турли кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Туризм, болаларни соғломлаштириш йўналишидаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, бу йилги мавсумда ходимларнинг 700 нафардан ортиқ фарзанди комбинат тасарруфидаги оромгоҳларда дам олиб келишди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

– Бу йил деҳқончилик қалай бўлди? – қовун сотаётган йигитдан сўрайди кексароқ киши.
– Э, кўрмайсизми, сувтекин бўлиб кетди-ю... Харажатини ҳам чиқаролмадик. Ўзи бу йил ҳамма қовун-тарвуз экканми, дейман.
– Карвон кўп – ризқи бўлак, бўтам. Деҳқончилик ўзи шунақа. Бир йили ундай, бир йили бундай... Шундай қилиб, келаси йили қовун экмайдиган бўлибсанда-а?..
– Йўғ-ей, ота касбдан бошқа нима қиламиз? Яна экамиз...

Мирзачўллик қовунчилар:

«КЕЛАСИ ЙИЛ ҲАМ ҚОВУН ЭКАМИЗ»

ОҚЧАНГАЛЛИКЛАРДАН ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Деҳқон йигит айтганидай, Сирдарё воҳасида кўпчиликка қовун етиштириш – ота касб. Мана, бир мисол. Ховос туманининг чекка ҳудудида Оқчангал деган маҳалла бор. Аҳолиси 4360 нафар кишидан иборат. 530 хонадонда 1097 та оила истиқомат қилади. Бу маҳалладан бирор аёл хорижга иш излаб кетмаган. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Улар ўз уйларида иш билан банд бўлиб, яхшигина даромад топяптилар. «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тизими иш бераётганини айнан мана шу маҳаллада кўриш мумкин.

– Бизда ҳамма азалдан қовун етиштириш билан шуғулланади, – дейди Одил Беққулов. – Эрта баҳор оиламиз билан дала бошига кўчиб чиқамиз. Чайла, тандир қурамиз. Яхши ҳосил олиш учун ер унумдор, сув етарли бўлиши керак. Қаттиқ меҳнат қилмасангиз, ҳеч нарса ололмайсиз. Қовун пишгач, фурсат кутиб турмайди, уни тезда бозорга чиқариш керак. Сотамиз, ортганини пўчоғигача увол қилмаймиз.

Оқчангалликлар ишнинг кўзини биладиганлардан. Мавсум сўнгида қовунларни битта қўймай ҳовлиларига туширадилар. Ҳар бир ҳовлида қовунқоқилар осилган дорлар пайдо бўлади. Аёлларнинг қўли қўлига тегмайди. Офтоб тиғида қуриб, тилла рангга кирган тонна-тонна қовунқоқиларни, қовун уруғларини яхшигина пул эвазига ҳамқишлоқлари Рустам Ювошов, Баҳодир Ғафуров, Абдулла Аҳмедов, Сирожиддин Холбеков каби тадбиркорларга топширадилар. Улар эса маҳсулотни бошқа хонадонларга қадоқлаш учун тарқатишади. Бу иш билан асосан уйда ўтирган аёллар шуғулланади. Кўп ўтмай «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан 9-10 турда турли қолипларда қадоқланган қовунқоқилар юртимиз бозорларига йўл олади. Бундан ташқари, Туркия, Россия, Германия ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Хорижда қовун уруғига ҳам талабгорлар кўп.

Деҳқонлар қовун пўчоғини офтобда қуритиб олиб, қишга ғамлайдилар. Оқчангалда боқилган сўқимлар бозорда яхши сотилади. Чунки қовун пўчоғи еган молнинг гўшти ширин бўлади...

Март ойига қадар қўли-қўлига тегмай қўшимча даромад топган деҳқонлар мавсум бошланиши билан яна далага отланадилар. Оқчангалликларнинг тадбиркорлиги, ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб ишлашларидан бошқалар ҳам ўрнак олсалар арзийди.

«МИРЗАЧЎЛ» МИЛЛИЙ БРЕНДИ ОСТИДА

Мирзаобод туманидаги Мирзачўл маҳалласида ҳам ҳақиқий қовунчилар яшайди. Катта «Қовун бозори» шу ерда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Деҳқонларнинг меҳнати самараси ўлароқ, бу ҳудудда эртаки, ўрта, кечпишар қовунларнинг ҳамма навларини топиш мумкин.

– Бу ердаги қовунлар бошқа жойга экилса, ҳақиқий ширин таъмини бермайди, – дейди мирзачўлликлар. – Бу тажрибада синалган. Ўзимизнинг сув, ер, ҳавода асл ширин қовунлар етилади.

Сардобалик миришкор деҳқон, тажрибали агроном Бозорбой Душаев шундай ҳикоя қилади:

– 1989 йили республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги тавсияси билан Сурияга бориб ишлашимга тўғри келди. Ўшанда уларнинг қишлоқ хўжалиги вазири «Мен Ўзбекистонда бўлганман. Қовунларининг таъми ҳали ҳам оғзимда қолган. Бизда ҳам қовун етиштирсаларингиз-чи...» деб қолди. Менинг отам оддий деҳқон бўлиб, полиз экинлари экарди. Болалигимдан отамнинг ёнида юриб, қолаверса, институтда қовун етиштиришнинг илмий жиҳатларини ҳам ўрганган эдим. Бир гектар ерга «Обиноввот», «Мирзачўл», «Асати» қовунларини экдик. Экин кўзни қувнатарди. Ҳаммаси расоладагидек. Қовун пишди. Аммо ҳажми биздагидан анча кичкина, ранги тиниқ эмас, ҳиди ҳам йўқ эди. Таъми эса худди палаги ўлган қовунникидай! Вазир жаноблари ишимиз натижаси билан қизиқди. Унга парваришлашнинг ҳамма юмушлари вақтида, кўнгилдагидай бажарилганини, аммо қовунлар биз кутганчалик мазали чиқмаганини айтдим. Шунда у «Сизга раҳмат, Ўзбекистон қовунларини бу ерда етиштириш бефойда эканини исботладингиз. Тотли қовунлар ейиш учун Ўзбекистонга бориш керак. Балки бу ерга қовун экспортини ташкил этармиз» деганди».

Бугун Мирзачўл қовунлари экспорт қилинмоқда. Мирзаобод тумани «Боғистон» маҳалласидаги «Red pack» корхонаси Мирзачўл қовунларини Латвия ва Россия давлатларига жўнатмоқда.

«Экспортни кескин ошириш учун янги бозорларга кўпроқ кириб бориш керак», деди Президентимиз Нукус шаҳрида тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда. «Red pack» корхонаси экспортчилари ҳам бу борада изланишда. Улар германиялик шериклари билан эксклюзив шартнома доирасида илк бор «Мирзачўл» миллий бренди остида қовунларни Германия бозорига етказиб бера бошладилар.

* * *

Боя мисол келтирганимиздек, бу неъматни етиштириш осон эмас. Боз устига, кейинги вақтда ўзгараётган иқлим таъсири, зараркунанда ҳашаротлар мўл ҳосил олишга халақит бера бошлади. Шунинг учун ҳам селекционерлар деҳқонлар билан қовуннинг ташқи таъсирларга чидамли, серҳосил навларини яратиш йўлида ҳамкорликни йўлга қўйсалар, фойдадан холи бўлмайди.

Қовундан тайёрланган мурабболар ананас таъмини беради, ёқимли. Ўзи ширин бўлгани учун шакар жуда оз миқдорда ишлатилади, камхарж. Мураббо тайёрлаётган тадбиркорлар эса ҳозирча озчилик. Агар бу иш кенг йўлга қўйилиб, маҳсулот экспорт ҳам қилинадиган бўлса, ортиқча исрофгарчиликнинг олди олинган, янада кўпроқ даромад келтирган бўларди.

Биз қовунчилар ҳузуридан ана шундай таассуротлар билан қайтдик.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»









Одамлар орасида

Бугуннинг гапи

ГУРУЧ АРЗОНЛАШАДИМИ?



Шу кунларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қатори шоли ўрим-йиғими ҳам авжида. Ўзаро суҳбатларда «Гуруч арзонлабдими?», «Ўн минг сўмга тушармикин?» деган саволлар кўп бериляпти. Тўй мавсумида гуручга талаб янада юқори. Қолаверса, қишда ошу шавла, мошаваю мошкичиридан яхши таом йўқ.

Хўш, гуруч нархи ошпарвар халқимизнинг чўнтагига мос келадими? Ҳосил чўғи қандай?

Маълумотларга кўра, бу йил Хоразм вилоятида 51,3 минг гектар ерга, шундан 21,6 гектар асосий, 29,7 минг гектар такрорий майдонларга шоли экилган.

Гектаридан ўртача 54 центнердан, жами 277,2 минг тонна ҳосил олиниши кутилмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли дала томорқаларининг 11,8 минг гектарига шоли экилган бўлиб, ушбу майдонларда 64,9 минг тонна шоли етиштирилиши мўлжалланмоқда. Вилоятда шолининг асосан «Аланга», «Авангард», «Лазерный», «Нукус», «Нукус-2», «Нукус-70», «Искандар», «Гулистон» навлари экиб келинмоқда. Ҳудудда шоли етиштирувчи 3 та агрокластер ва 83 та шоличилик йўналишидаги фермер хўжаликлари мавжуд.

Шоли етиштириш бир қарашда, жуда осондек туюлади. Уруғни сепасан, суғориб қўяверасан. Бироқ бу соҳанинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Аввало, шоли уруғини муддатида экиш керак. Далага мунтазам сув бориши зарур. Сув етиб бормаса, вақтида агротехник тадбирлар бажарилмаса, ҳосил нобуд бўлади.

Манбаларга кўра, бултур мамлакатимизда 294 минг тонна гуручга эҳтиёж бўлган. Бу йил эса 358 минг тонна гуручга зарурат сезилмоқда. Бу эҳтиёж ортиб бораверади. Шунинг учун ҳам гуруч нархи йил сайин ошмоқда. Хоразм вилоятида 2021 йилда «Аланга» навли гуруч нархи ўртача 8570 сўмданга тўғри келган бўлса, 2022 йилда 9902 сўм, 2023 йилда 18624 сўм, 2024 йилнинг август ойида 20150 сўмни ташкил қилди. Ҳозир нарх бирмунча арзонлашган.

Аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, шоли етиштиришнинг камхарж, сув тежайдиган, серҳосил навларини яратиш, қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш йўлида турли изланишлар олиб борилмоқда.

2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий-тажриба станцияси негизида ушбу институтнинг Хоразм филиали ташкил этилиб, унинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, гуручининг юқори сифат кўрсаткичлари бўйича ажралиб турувчи шоли навлари ва дурагайларини яратиш бўйича тадқиқотларни кенгайтириш, янги ва истиқболли шоли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, уруғчиликнинг илмий асосларини яратиш, шоли етиштиришда замонавий ресурслар ҳамда сувни тежовчи технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, шоли экинидаги касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига таъсир этмайдиган усулларни ишлаб чиқиш, бу экинни етиштиришдаги асосий агротехник тадбирларни инновацион технологиялар асосида механизациялашни жорий этиш ва бошқалар асосий вазифалари қилиб белгиланди.

Филиалнинг тажриба даласида Филиппин, Хитой, Вьетнам, Корея, Россиядан келтирилган ва маҳаллий янги навлардан экилиб, илмий ишлар олиб борилмоқда.

– Филиппин халқаро шоличилик илмий-тадқиқот институтидан 2023 йил мақсадли равишда сув кам талаб этадиган ва шўрланишга чидамли 199 хил нав намуналар олиб келинди, – дейди филиал директори Ҳамза Рўзметов. – Гурлан тажриба станциясида ўтказилган илмий-тадқиқот натижаларига кўра, вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, шўрланишга чидамли 9 та нав танлаб олинди. 2024 йилда эса Филиппиндан 106 хил намуна келтирилди. Улардан энг серҳосили аниқланиб, 2025 йилда давлат нав синаш комиссиясига топшириш ҳамда Хоразм вилоятида шоли уруғчилигини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, шолининг кам сув талаб қиладиган, шўрга, стресс омилларга бардошли навларини яратиш бўйича Жанубий Кореянинг AFACI маркази билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мақсад – гектаридан 70-75 центнердан ҳосил олиб, 4-4,5 тонна гуруч етиштириш.

Шунингдек, Гурлан туманида шоли кўчатлари етиштиришни хонадонбай шаклда ташкил этиш ҳамда сув кам талаб қиладиган ва шўрга чидамли янги навларни жорий қилиш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, ушбу лойиҳада 8-9 минг метр куб сув сарфлаб ҳосил етиштириш мақсад қилинган (амалда 16-23 метр куб). Шўрга чидамли навларни экиш орқали 1,5 фоиз хлорли шўрланган тупроқларда ҳосил олиш имконияти яратилади. 2025 йилгача 500 гектарга экиладиган уруғлик жамғариш режалаштирилган. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг шўрланиши кучли майдонларида шоли етиштириш йўлга қўйилади ва сув сарфи 50 фоизгача қисқартирилади.

Умуман, ҳозир 250 хилдан зиёд шоли навлари синов тариқасида етиштирилмоқда. Тўрт йил давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида иккита янги нав яратишга муваффақ бўлинди. Филиал ходимлари вилоят бўйича 25 минг гектар майдонга сеялкада шоли экиш ва етиштириш таклифини илгари суришмоқда. Унга кўра, шоли уруғлиги сеялкада экилади ва 35-40 кунгача сувсиз парвариш қилинади. Бу усулда шоли экилганда, ишчи кучи ва уларга сарфланадиган иш ҳақи, 25 фоиз сув ресурслари, қолаверса, бегона ўтларга қарши сепиладиган гербицидлар тежалади.

– Президентимизнинг 2024 йил 15 августдаги «Шоли етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўплаб шоли етиштирувчиларга умид бағишлади, – дейди Ҳамза Рўзметов. – Унга мувофиқ, 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан шоли экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қоплаб берилади. Хоразм вилоятида шоли етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан қўшимча субсидиялар ажратилади. Мақсад – аҳолининг гуручга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Тарихнинг сирли саҳифалари

«ЖОСУС» УСКУНАЛАР

«СОВУҚ УРУШ» БОШЛАНИШИ ДАВРИДА ДУНЁ МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАРНИ АГЕНТУРА ВА СОТҚИНЛАР КЎМАГИДА ТЎПЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ТУРЛИ ХИЛ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ҲАМ КЕНГ ФОЙДАЛАНИШГАН. МАСАЛАН, ЎТГАН АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА АНГЛИЯ РАЗВЕДКАСИ ТЕХНИК ЖОСУСЛИК ИШИ УЧУН АВСТРИЯНИ ТАНЛАЙДИ. ВЕНАДА СОВЕТ ҚЎШИНЛАРИ ШТАБИ ҚАТОР ҲАРБИЙ ОБЪЕКТЛАР, АЭРОДРОМЛАР ВА БОШҚА СТРАТЕГИК ИДОРАЛАР БИЛАН АЛОҚА ҚИЛАДИГАН ТЕЛЕФОН КАБЕЛИГА УЛАНИШГА ҚОДИР ЭДИ. БУ КАБЕЛЛАРНИНГ БИР ҚИСМИ АНГЛИЯ ВА ФРАНЦИЯНИНГ БОСИБ ОЛИНГАН ҲУДУДЛАРИ ОРҚАЛИ ТОРТИБ КЕЛИНГАН. МУТАХАССИСЛАР ТЕЛЕФОН СУҲБАТЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ УЧУН БРИТАНИЯНИНГ ҲАРБИЙ ПОЛИЦИЯ БИНОСИНИ ТАНЛАЙДИЛАР. ТАХМИНАН ЎН ҚАДАМ НАРИДА ВЕНАДАГИ СОВЕТ РАҲБАРИЯТИНИНГ АЭРОДРОМЛАР ВА АВСТРИЯНИНГ ШВЕХАТ ШАҲРИ БИЛАН БОҒЛАНАДИГАН ТЕЛЕФОН КАБЕЛИ ЎТАР ЭДИ.



Мазкур алоқа линиясига уланиш учун полиция биносининг подвалидан қисқа туннель – йўл кавлаб чиқилади ва унга суҳбатларни тинглайдиган жиҳоз ўрнатилади. Амалиёт шу даражада муваффақиятли бўладики, махсус хизматлар яна икки жиҳозни совет кабелларига жойлаштиришнинг уддасидан чиқадилар.

Иккинчи ана шундай ускуна бижутерия билан савдо қилувчи Англия фирмаси биносига ўрнатилади. Фирма фаолиятини махсус хизматлар молиялаштирар эди. Учинчи тингловчи жиҳоз Венанинг бой районларидан биридаги қимматбаҳо виллага ўрнатилади. Бу ерда ёш келин-куёвлар, аслида, Англия разведкасининг офицерлари истиқомат қилишарди.

Яна бир ускуна учун эса Лондондаги Бэйсуотер районида жойлашган совет консуллиги танланади. Консулхона ёнидаги бинони таъмирлаш баҳонасида МИ-5 ходимлари қурувчилар коржомасида деворни ўйиб, англияликлар унинг ичига микрофон ўрнатадилар.

Бу амалиёт яна анча давом этиши мумкин эди. Аммо 1951 йилда Сеулда ишлаб турган Англия разведкасининг резиденти Жорж Блейк совет махсус хизматларига ёлланади. У Лондонга қайтгач, Британия разведкасининг тингловчи техника аппаратлари билан операциялар ўтказадиган янги бўлимга бошлиқ ўринбосари этиб тайинланади. Бўлим ходимлари Европанинг қатор давлатларида совет дипломатлари ва ҳарбий хизматчиларининг телефон суҳбатларини эшитиб турар эдилар. Табиийки, Блейк бундан Москвани воқиф этади. Москва эса ҳарбий алоқалар тизимини такомиллаштиришга киришади...

Совет Иттифоқининг Вашингтондаги элчихонасига туннель қазиб чиқилади. Бу воқеа 1970-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошида амалга оширилган бўлса-да, 2001 йилда ошкор бўлади. Туннелдан дипломатик ваколатхонадаги суҳбатларни тинглашда, у ерга келадиган ва у ердан чиқадиган маълумотларни тўплашда фойдаланилади.

Туннелга қўшни тураржой биноси орқали кириб-чиқиб турилган. Америкаликлар бу жойдан қарийб йигирма йил, яъни 1995 йилгача фойдаланишган. Кунларнинг бирида Марказий разведка бошқармаси ходимлари олинаётган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигидан шубҳаланиб қолишади...

Мазкур туннель 70-йилларда АҚШнинг Москвадаги элчихонасидан топиб олинган «тингловчи жиҳоз» учун қасос эди. Аввалига америкаликлар бинони тамоман бузиб ташлашмоқчи бўлишади, аммо 1991 йил охирида Давлат хавфсизлик қўмитаси расмий равишда Қўшма Штатларга тингловчи ускуналарнинг «схемаси»ни тақдим этгач, бу ишдан воз кечишади.

Вашингтондаги туннель сирини, АҚШ махсус хизматларининг тахминларига кўра, Совет Иттифоқи ва Россия фойдасига 15 йил жосуслик қилиб қўлга тушган Федерал қидирув бюроси ходими Роберт Ханссен фош этади...

Аброр ХОН

Эълонлар

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан 2020 йил 16 январда Каримова Рахима Тажиахмедовна номига берилган №370044 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги «ZIXAMUR» хусусий корхонасининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«ISHONCH» ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

«ISHONCH» ВА «ISHONCH-ДОВЕРИЕ» ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИ ВАКИЛЛАРИ ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ISHONCH» КУНЛАРИ»ДА ГАЗЕТХОНЛАРГА ШУ САВОЛ БИЛАН ЮЗЛАНМОҚДАЛАР.

МАВЗУЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева, «Касабасайр» шўъба корхонаси директори Тўлқин Хидиров, таҳририят бош муҳаррири ўринбосари Анвар Қулмуродов, адабий муҳаррир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдунаби Ҳайдаров, тармоқ ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши раислари, касаба уюшмалари фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда таҳририят вакиллари бугунги кун билан ҳамнафас бўлиб фаолият юритаётган ижодий жамоанинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаётида, касаба уюшмалари тизимида, одамлар турмушида рўй бераётган ўзгаришларни холисона ва тўлақонли ёритиш билан боғлиқ ижодий режаларига тўхталди.

Вилоят кенгаши раиси С.Файзиева жамият ривожида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ҳақида сўз юритар экан, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари саҳифаларида ёритилаётган материаллар мавзуларининг хилма-хиллигини эътироф этди. Бошқалар ҳам касаба уюшмалари фаолияти, айниқса, касаба уюшмалари инспекторлари томонидан ижобий ҳал этилаётган ишлар бу нашрларда атрофлича ёритилаётганини алоҳида таъкидлашди. Касаба уюшмаларига оид рукнларни янада кўпайтириш юзасидан таклифларини билдиришди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Мулоқот



ГАЗЕТАГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Таҳририятимиз ходимларининг ҳар йили ҳудудларда «Ishonch» кунлари» доирасида газетхонлар билан учрашув ўтказиши анъанага айланган. Сирдарёда бўлиб ўтган бу галги тадбир аввалида Касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг мазмун-мундарижаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Бош муҳаррир ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов ҳамда етакчи мутахассис Шоира Йўлдошева эса газетанинг нашрга тайёрланишидан то муштарийлар қўлига етиб боргунча бўлган жараёнлар ҳақида сўзлаб беришди.

Шундан сўнг савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар қизғин тус олди. Газета янада ўқишли, мазмунли чиқиши юзасидан кўплаб таклифлар берилди.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда. Дунёдаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланган Умумхитой касаба уюшмалари билан янги босқичга кўтарилган ҳамкорлик бунга яққол мисол бўлади, – деди Федерациянинг вилоят кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири Раҳматилла Султонов. – Газетхонларга ана шундай жамоат ташкилотлари фаолияти, яъни хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари тажрибаси қизиқ. Шу мавзуда кичик-кичик хабарлар бериб борилса, яхши бўларди.

– «Ishonch» газетасини доимий ўқиб, ҳар бир сонини сақлаб қўяман, – деди АТ Халқ банки вилоят минтақавий маркази касаба уюшмаси раиси Фарида Рўзмуҳаммедова. – Банкимизнинг 10 та филиали бор. Баъзида уларда ишлаётган ходимларимизга газета тахламларини бериб юбораман. Ўзим ўқиган яхши мақолаларни бошқалар ҳам ўқишини истайман.

«Янги Сирдарё» газетаси бош муҳаррири Баҳром Боймуродовнинг фикрларини кўпчилик маъқуллади.

– Халқимизнинг маънавий савиясини юксалтириш, одамларнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ҳал этишда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўрни катта, – деди у. – Бу нашрлар ўтган йили республикамиз миқёсида энг кўп танқидий чиқиш қилган ва уларнинг ечимига тўлиқ эришган кам сонли газеталар сирасига кириши билан ҳам бошқа оммавий ахборот воситаларидан ажралиб туради. Энг оммабоп ва адади кўп бу газеталар конвергент таҳририятга айланаётгани билан ҳам ибратли. Бу ҳам замонга мослашув тартибида бир вақтнинг ўзида ҳам газета чоп этиш, ҳам ижтимоий тармоқларни бирдай юритиш деганидир. Ижодий жамоага бу борада муваффақиятлар тилайман.


Тадбирда иштирок этган тажрибали журналистлар Дилором Исмадиёрова ва Норинисо Қосимова ҳам касаба уюшмаси ғамхўрликлари ҳақида гапириб, ушбу ташкилот фаолияти матбуотда ёритилишининг аҳамиятига тўхталиб ўтишди.

– «Аёллар дафтари»да турган қанчадан-қанча опа-сингилларимизнинг рўшноликка чиқаётгани, ногиронлиги бўлган эҳтиёжмандларга, кексаларга, ёлғизларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида шу газета орқали бохабар бўлиб боряпмиз, – деди Дилором Исмадиёрова.

«Газетага эҳтиёж, зарурат катта. У ҳаётимизда ўз ўрнига эга». Давра суҳбати иштирокчилари бу фикрни бот-бот такрорлашди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Миллат ойдинлари



ҲАҚИҚИЙ ПУБЛИЦИСТ ЖАМИЯТ ТАБИБИДИР. У ЖАМИЯТНИНГ ҚАЕРИДА ҚАНДАЙ ДАРДИ БОРЛИГИНИ БИЛАДИ, УНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛИНИ ИЗЛАЙДИ. МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХУДДИ ШУНДАЙ ТАБИБЛАРДАН БИРИ ЭДИ. У ЎЗИ ЯШАГАН ЖАМИЯТДАГИ АСОСИЙ ИЛЛАТЛАРНИ, ЖУМЛАДАН, ТУРКИСТОННИНГ МУСТАМЛАКА БЎЛИШИ САБАБЛАРИНИ ҲАМ ЎЗ МАҚОЛАЛАРИ ОРҚАЛИ КЎРСАТИБ БЕРГАН ПУБЛИЦИСТДИР.

Беҳбудийнинг ижодини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси, 1917 йил февралгача ва иккинчиси Муваққат ҳукумат давридан большевиклар ҳокимият тепасида ўрнашгунга қадар, аниқроқ айтганда, 1918 йилнинг 27 августигача бўлган фурсатни қамраб олади.

Рус ҳукмдори Николай замонида барча жадидлар каби Беҳбудийнинг қуроли ҳам ҳеч эскирмайдиган маърифат эди. У дастлаб мактаб таълими муаммолари, янги дастур ва фанлар хусусидаги мақолалар ёзди. «Жадид мактабларининг имтиҳони», «Ислоҳи таҳсил», «Миллатлар қандай тараққий этарлар», «Эҳтиёжи миллат», «Ислоҳи таҳсил», «Оҳ ва ҳасрат» сингари кўплаб мақолалари фикримизга далилдир. Хусусан, 1906 йили «Туркистон вилоятининг газети»нинг 27-28-сонларида давомли қилиб берилган «Жадид мактабларининг имтиҳони» мақоласида Беҳбудий жадид мактабларида ўғлини ўқитишни ният қилган оталар учун мактабнинг ўқитиш тизимини тушунтиради. «Эҳтиёжи миллат» мақоласида Туркистондаги мавжуд аҳволни тасвирлайди, тараққиётга юз тутган бошқа миллатларга қиёслайди ва хулоса чиқаради ҳам бу масалага алоҳида тўхталади: *«Бошқа миллатларга қаралса, кўрилурки, мунтазам мактаблари бор ва ул мактабда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур»* («Самарқанд» газетаси, 1913 йил 12 июль).

Қулликда сақланган онг келажакда нима қилиш зарурлигини англатиб етса-да, журъат топа олмайди. Муаллиф бундай кишиларга авлод зиммасидаги масъулиятни эслатади: *«Бугун ислоҳи мактаб, мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш қилинмаса, бир аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур. Бу масъулиятдан қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керакдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасададур»* («Самарқанд» газетаси, 1913 йил 30 июль).

Аслини олганда, булар сиёсий фикрлар сирасига киради. Бироқ у маърифий қарашлар воситасида ифодаланганди. Публицист барчани илмга чорлайди, айниқса, болаларга нисбатан алоҳида эътиборда бўлади. Демак, озод бўлишдан аввал миллат орасидан давлатни бошқарадиган сиёсатчи, замонавий савдогар, ҳуқуқшунос, врач, архитекторларни вояга етказиш керак. Уларни биров тарбиялаб бермайди.

Ўзгалар орасида тенг яшаш учун уларнинг сиёсий, илмий аҳволини билиб турмоқ, бунинг учун эса тилни билмоқ лозим бўлади. Унинг «Икки эмас, тўрт тил лозим» сарлавҳали мақоласи кўпчиликка маълум. Лекин «Мунозара» ҳақинда» (Туркистон вилоятининг газети», 1911 йил 29 сентябрь) мақоласида ҳам бу масалага эътибор қаратилганини ҳамма билавермайди. Муаллиф бунда Туркистоннинг барча дардларидан, ҳудудидаги аҳволидан хабардор зукко мақоланавис сифатида қалам тебратади. Муаммони жуда нозик жиҳатлари билан очиб беради.

1908 йил Беҳбудий мақоланавислигининг энг сермаҳсул давридир. Бунга 1907 йил унинг учун саёҳат йили бўлгани, хусусан, Россиянинг Санкт-Петербург, Қозон шаҳарларига боргани, шунингдек, Фарғона вилоятидаги аҳвол билан танишиб, тараққийпарвар, юрт озодлиги учун кураш истагида ёнган инсонлар билан фикр алмашгани бу ижодга замин яратади. Ушбу саёҳатлар таъсири ва Туркия давлатида содир бўлган ички инқилоб Беҳбудийнинг келажакка бўлган ишончини бир қадар кучайтиради. «Муҳораба мусулмонларга ёқарму?» (1908 йил, 15-сон), «Баёни маъзурат» (1-сон), «Баёни ҳол» (19-сон), «Бир афсуслик хабар» (30-сон), «Мажлиси имтиҳон» (33-сон), «Мутолаахона» (48-сон), «Қабристони муслимин» (51-сон), «Қонун» (63-65-сонлар), «Таърих ва жуғрофия» (90-сон), «Тавзеҳ» (94-сон) каби йигирмага яқин мақоласи «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб чиқади.

Маҳаллий тилни яхши билган газета муҳаррири Н.Остроумов шу йили тараққийпарварлар билан қадимчилар ўртасида нифоқ учун майдон очади. Бунда муҳаррир икки томоннинг ҳам фикрини очиқ беради. Масалан, Раҳматулло Раҳим жадид мактабларига қарши «Бузуқ мактаб боласи усули жадида» сарлавҳали мақоласи билан чиқади.

Ҳар икки томоннинг газетада фикр айтишига имконият яратиб бергани учун муҳаррир шаънига илиқ сўзлар айтиш мумкиндек кўринади. Лекин унинг бу «ҳурфикрлилиги» замирида тараққиётга интилаётган маҳаллий зиёлиларни ва ортодоксал мусулмончиликни сақлаб қолишни ўйлаган қадимчиларни бир-бирига зид қўйиб, улар орасига ихтилоф солиш нияти борлигини ҳам сезиш мумкин.

Баҳслар шу даражага етадики, муҳаррир айрим мақолаларга сўзбоши ёзиб, муаллиф ёки унинг мақоласининг «попугини пасайтириб» ўқувчи муҳокамасига ташлашга мажбур бўлади. Улардан бири Беҳбудийнинг «Таърих ва жуғрофия» («ТВГ». 1908, 30 ноябрь) мақоласидир. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлган. У тезликда «Охранка» томонидан таржима қилинган (таржима ва изоҳ Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланмоқда).

Мақола жуда мураккаб тилда ёзган. Унда араб, форс сўзлари кўп ишлатилган, устига-устак, жумлалар ҳам жуда узун. Беҳбудий публицистикасида атай мураккаб тилда ёзилган бундай мақолалар, оз бўлса-да, учраб туради. Масалан, «Самарқанд» газетасининг охирги сонларидан бирида босилган «Миллатнинг бошчиси талаб киромға» мақоласи ҳам юқоридагилар сирасига киради. Яъни, улар миллатнинг илмли кишиларига қаратилган мурожаатдир. Хўш, Беҳбудийнинг «Таърих ва жуғрофия» мақоласида нималар ёзилган? Нега уни «Охранка» тезлик билан таржима қилдирди?

Дин ва миллатни сақлаш – Беҳбудий ўз олдига қўйган асосий вазифа. Бунинг учун эса ўзгаларга мағлуб бўлганимиз сабабини англамоқ, қолаверса, энди уларга муте бўлмаслик йўлларини ўйламоқ даркор. Бунинг учун мустамлакачи ҳукуматга очиқ қарама-қарши турмай, армон бўлиб келаётган илмли жамият қуриш учун қайғурсинлар, деган хулосани айтади. Бунинг учун ўтмишда боболар мавқеи қай даражада бўлганлигини кўрсатиб беради. *«Замони собиқда жисмоний ва руҳоний ва маънавий қалъа ва ҳудудларимиз бор эдики, алар сабаби-ла миллат ва динимиз муҳофаза ва маросими малфуф (ҳимояланган, ўралган) қолур эди. Ҳозирги замонга на ҳад қолди, на ҳудуд, на қалъа қолди. Замони илм ва маориф бўлди. Илмсиз миллат, илмсиз қавм асир ва заиф қолур. Илмсиз давлатни фойдаси йўқ, илмсиз дунёни ҳаёти йўқ... Сўнгра уч-тўрт асрдан бери бутун олами исломга воқеъ бўлган таназзул ва интиҳот* (тушкунлик, сустлик – Ҳ.С.) *ва идборга* (бахтсизлик, иши олдинға бормаслик – Ҳ.С.) *воқиф бўлайлук ва анинг даво ва чорасига жустижў* (қидириш – Ҳ.С.) *этойлук»*.

Беҳбудий даврининг энг мураккаб дардини ана шундай шарқона назокат билан кўтариб чиқади. Энди бевосита мақола моҳияти хусусида сўз юритар эканмиз, публицистнинг ўқувчини ўзи билан бирга мулоҳаза юритишга ундаганини, бирга таҳлил қилганини таъкидлашни хоҳлардик. Таҳлил мураккаблаша бошлаганини сезгач, у мақоласига жолис – суҳбатдошни олиб киради. Бу ерда Беҳбудий асосий фикрни кенг таҳлил этиб беришни хоҳлайди: *«Биз бу мусаддани ёзар экан, жолисимиздан бири сўрадики, матлабни ошкора сўйланг. Биз алан қандай таназзулдамиз ва илгари на кайфиятда эдук? Ман дедим: бу қисса дур ва дароздур, балки сизнинг ҳусули* (ҳосил – Ҳ.С.) *фикрия ва майдони илмиянгиз ҳудудидан хориждур. Бу қиссаи пурғуссадин маълумот олмоқ ва воқуф ҳосил этмоқ учун жуғрофия ва таърихдан хабардор бўлмоқ лозим. Келур ҳол буни алар сизнинг наздингизда ашуладин ва ҳарза* (бекор, беҳуда – Ҳ.С.) *кўйлик дин ҳам дунроқ* (разил, паст – Ҳ.С.) *ратбағадур. Хулоса таърихий ва вуқуоти мозияни мухтасар суратда баён қилайин. Шоядки, бир фикри ажмали* (гўзал – Ҳ.С.) *ҳосил этсангиз ва, шоядки, сизча бидъат ва куфр ва залолат ва бизча ҳам шариатча фарз ва зарурат даражасидаги жуғрофия ва илми сиёсат замонийя ва жароиди нафъийяга муҳаббат кўзи ила боқиб, андин дунё ва охиратингизга фойдалик нимарсаларни орттирмоқ ва ибрат ҳосил қилмоқ учун бир олти ой доимо ўқуб кўрсангиз»*.

Демак, публицист мақоланинг асосий мақсадига кўчди. Жолис сифатида қабул қилинган бу ғоибона суҳбатдошни Беҳбудий билан курашиб юрган, жадид мактабини «бузуқ» деб қабул қилаётган, ҳали қайси томон ҳақу ва қайсиси ноҳақлигини аниқ билмайдиган газетхон, деб ҳам қабул қилишимиз мумкин. Чунки ушбу мақолани ўқиётган киши жолис сифатида қатнаша бошлайди.

«Эй жолиси муҳтарамим, сиз ҳануз таърихи умумий ёинки таърихи исломға мубтадиъ даражасинда ҳам эмассиз ва жанобингизни замони собиқа, замони мутавассата (ўрта – Ҳ.С.), *замони охира ёинки қирван* (кўп – Ҳ.С.) *қадима ва жадида таъбирлари ила сарғардон этмайин, балки хулосатал хулоса таърихийяни мухтасар натижасидан айтмоқчиман.*

Таърих дейурки, бир замон келдики, уламо ва умарои ислом жубун ва танбал айш (турмуш – Ҳ.С.) *бепарво, дигар тарафдин бир-бирлари ила мухолиф бўлдилар. Таълим ва тадриси уламои дин лодонлар мажлисини таржиҳ* (устун – Ҳ.С.) *этдилар. Умаро ва салотин* (подшолар, султонлар – Ҳ.С.) *ислом ноҳақ ерга юз минглаб аҳли ислом қонини тўкуб, тараф-тараф бўлдилар. Уламо бўлса умаро нонига ва маошига кўз тикиб муқобилларини такфирларига қадар илгари кетдилар. Ҳусумати масҳабийя ва таъсиби илмийяга аҳамият бердиларки, насронят оламидаки ва папалиқ замонидаки ихтилофларга монанд низолар олами исломни парчаланмоқига сабабият берди».*

Публицист буюк салтанатларнинг фожиасини очиб беряпти. Тўғри, гап чўзилган, кўпчилик сўзлар тушунарсиз, туркийда ёзилмаган. Аввало, мурожаат юрт зиёлиларига қаратилган, иккинчидан, мақола цензура қайчисига йўлиқмаслиги керак эди. Беҳбудийнинг маҳорати шундаки, бунда ўзаро ички ихтилофлар, илмга бефарқлик буюк давлатнинг емирилишига сабаб бўлишини очиб бермоқда.

Мақоланинг салмоқли бўлишида фактлар катта аҳамиятга эга. Бу фактларга публицистнинг дардли сўзлари йўғрилса, у сўзлар тошни ҳам эритиб юборади. Публицист зора аҳволни кўрар деган умидда суҳбатдошини харитага назар ташлашга чорлайди. Бардош бера олмайди, йиғлайди.

«Энди маҳди (бешик – Ҳ.С.) *қадим инсоният ва мазҳар кул одиён ва майдон, тараққийи исломият бўлган Осиё қитъаси харитасига таважжуҳ қилармизки, 3 аср охири зарифинда на ҳолатга келмиш. Оҳ, мунда қалам титраюр, қалб йиғлайур. Бир баври ёниқ дерди: «Оҳ, нодон мури шуд, оҳ нодонга ўлат келсун». Осиё қитъасига кини* (душман – Ҳ.С.) *балад* (шаҳарлар, мамлакатлар – Ҳ.С.) *исломиядан уламои ислом тасарруфидан овруполиклар тасарруфига ўтган амсор ва амлоки исломияни ман тавсиъ* (кенгайиш, ёйилиш – Ҳ.С.) *ва тиъдод* (санаш, ҳисоблаш – Ҳ.С.) *этмайин-да, сизда ёлғуз икки-уч асрдан бери умум насронийя тасарруфига киргон мусулмонлар ададини кўрсатгувчи рақамларни ёзмоқ ила бу карра иктифо* (кифояланиш – Ҳ.С.) *қилурман...*

Азиз жолисим, сизга сўйлаб турибман, фаҳмлайсизму? Ҳайҳот, ҳайҳот, умумий Осиё қитъасига 600 милийун қадар мусулмон борки, андин 10 милийун Осиёи сафро ва жазиратул-Арабга сокин ва Усмонли ҳукуматига тобеъ, 9 милийун Эронга, 6 милийуни Афғонга, 2 милийуни Бухоро, милийуни Хива, 1 милийуни Булужистон,12 милийуни Ҳайдаробод деган, 1 милийуни Уммон ва милийундан ками Жумҳур ҳукумати исломиясига тобеъ бўлуб, бақя 50 милийуни Хитой ва 50 милийуни инглисга ва 50 милийун қадари, яна 40 милийуни Жазоир Баҳри Кабир мусулмонлари ила баробар Инглис, Франса, Каландия, Испания, Руссия ва ўзга давли (давлатлар – Ҳ.С.) *насрониясига тобеъ... Биз Осиёи васатий* (ўрта) *ва шимолий сокинларидан Руссия давлатига тўғридан-тўғри тобеъ. Бухоро ила Хива ҳукуматлари давлатимизни ҳимоятивадур. Юқорида баён бўлган ҳукумати исломияда фақат Усмонли ила Эрон давлатлари дохилий ва хорижий ишларига мустақил ва қаламаси давла нуқтадора* (бўйинсунилган – Ҳ.С.) *насрониянинг барисини ҳамият ва нуфузига тобеъ ва эркак-хотун кабидур»*.

Бу мақоладан сўнг «ташкил қилинган» жанжал расман юқоридаги кўчирманинг айрим фикрларига таянган.

Мақола ҳадисдан олинган ибратли фикр билан якунланади: *«Жолисимиз дейур: Оре, ҳудо қилди, ман дедим: «Олган барча яхши нарсаларинг ҳудодан, бошқалари ўзингдандур»*. Яъни, «Ҳаммаси худодан», дейдиган кишиларга нисбатан Беҳбудий ишончли манбалардан кўчирма келтириш билан жавоб беради. Беҳбудийнинг бундай маҳорати мақолага куч-қувват бағишлаган. Араб тилида, Қуръондагидек кўчирилган бу кўчирма ҳам «Охранка» учун таржима қилиб берилган. Бунда биз юқорида мақола «зиёлилар учун ёзилган», деган фикримизга яна бир далилни кўрамиз. Чунки Қуръонни ҳар бир киши ҳам тўғридан-тўғри таржима қилиб, тушуниб кетавермаган. Беҳбудий бу фикри билан ислом мутаассибларига катта зарба беради. Чунки мутаассиблар «Бизнинг ғайридинга мутеъ бўлишимиз ҳам худодан», деган ақидани байроқ қилганча, ўзларини ҳимоя қилиб, халқни тинчлантириб юришган. Беҳбудий эса бу мутеликнинг ёмон ҳол эканлигини исботлаб, ёмоннинг эса худодан бўлмаслигини, Яратганнинг ўз китобидан исбот топиб зарба беради.

Мазкур мақола махсус хизмат томонидан таржима қилинганини билган тадқиқотчилар унга шу пайтгача эътибор бермасликка ҳаракат қилишди.

Беҳбудий публицистикаси, айримлар айтганидек, фақатгина соф маърифий хусусиятгагина эга эмас. Унда Туркистоннинг мустамлакага айланиши ҳақиқати очиб берилади. Сабаб қилиб илмсизлик кўрсатилади. Бунинг натижасида эса тарихга мурожаат қилинади. Нега дунёда қудратли ҳисобланган Туркистон амирлик ва хонликларга илмсизлик оқибатидаги жаҳолат, манманлик ва калтабинлик туфайли бўлиниб кетди? Аслида, бу давлатнинг ҳудуди қанчалик катта эди, деган саволга эса ўзининг жуғрофияга оид мақолаларида жавоб беради. Маърифатсизлик оқибатида қанчадан-қанча ерлар Оврупо мустамлакачиларига бой берилганини тушунтиради. Туркистон заминида яшаб, ижод қилган уламоларни бир-бир санаб ўтиш баҳонасида уларнинг қонлари ўз авлодлари томирида оқаётганлигини эслатади. Ўқувчида миллий ғурур ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1917 йил февралигача ёзганларининг барчаси ҳурриятни қўмсаган мақолалар эди.

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Hahanov
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:20
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 021 та
Shundan:
7 139 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6